

## ЮСУФ ХОС ХОЖИБНИНГ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИДА ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВРИ АҲОЛИСИНING ИЖТИМОЙ ҚАТЛАМЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15667667>

**Баҳодир Мусаметов**

Алфраганус университети

Ижтимоий фанлар кафедраси в.б. доценти

[bahodir.musametov@gmail.com](mailto:bahodir.musametov@gmail.com)

ORCID: 0000-0002-8412-1218

**Эркинова Сарвара Нодирбек қизи**

Алфраганус университети Филология факультети

Хорижий тиллар кафедраси IF-23-01 гуруҳи талабаси

**Аннотация:** Қорахонийлар даври ижтимоий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи манбалар сони жуда озлиги бу сулола даврида аҳоли ижтимоий қатламлари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш борасида қийинчиликлар тугдиради. Шундай бўлса-да, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари ўша давр аҳоли ижтимоий қатламлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Ушбу мақолада мазкур асар асосида қорахонийлар даври ижтимоий қатламлари ҳақида маълумот берилган.

**Таянч сўзлар:** Қорахонийлар, Юсуф Хос Ҳожиб, “Қутадғу билиг”, ижтимоий қатламлар, ижтимоий ҳаёт.

**Abstract:** The very small number of sources that provide information about the social life of the Karakhanid period makes it difficult to create a complete picture of the social strata of the population during that dynasty. Nevertheless, Yusuf Khās Hājib's “Kutadgu Bilig” allows us to imagine the social strata of the population of that time. This article provides information about the social strata of the Karakhanid period based on this work.

**Keywords:** Karakhanids, Yusuf Khās Hājib, “Kutadgu Bilig”, social strata, social life.

### Кириш

Қорахонийлар ҳокимияти ҳудуди ғарбда Қорақум чўлидан шарқдаги Лобнор кўлигача, шимолда Балхаш кўлидан жанубдаги Амударёгача бўлган улкан заминни ўз ичига олган. Аҳолининг этник таркиби ҳам мураккаб бўлиб, уларнинг бир қисми туркий, яна бир таркибий бўлаги форс ва араб тилларида сўзлашган. Бундан ташқари, уларнинг ижтимоий ҳаёти бир хил бўлмаган. Улар яшаган жойларнинг географик шароити, иқтисодий асослари, қонун-қоидалари турлича бўлган. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Туркистонда миграцион жараёнлар ниҳоятда кучайган. Илгари чорвачилик билан шуғулланган ва уйғур деб номланган қабилалар иттифоқи таркибига кирган

кўпгина туркий қабилалар Еттисув, Тангритоғ ва Олтой тоғлари этакларидаги ва уларнинг атрофидаги яйлов жойлардан Туркистоннинг шаҳарларига ва деҳқончилик ҳудудларига кўчиб келган. Шу сабабли буларда чорвачиликдан деҳқончиликка ўтиш жараёни кузатилган ва шу туфайли уларнинг ижтимоий турмушига янги мулкчилик шакли кириб келган.

Бу ўзгариш уларнинг деҳқончиликка мос бўлган ҳудудларга эга бўлиш билангина эмас, балки ижтимоий турмуш даражасининг яхшиланиши билан бевосита боғлиқ бўлган эди. Еттисувда истиқомат қилган пайтларда жануб томондаги деҳқончиликка асосланган ишлаб чиқариш муносабатлари ва турмуш шакли уларнинг ижтимоий ҳаётининг ҳар бир соҳасига кириб борган. Помир ғарбида яшаётган туркий қабилаларни энг аввало деҳқончиликка хос афзалликлар ўзига жалб қилган. Жумладан, уларни муҳим деҳқончилик маҳсулотлари, ўтроқ ва ҳашаматли турмуш тарзи, қулай атроф-муҳит кизиқтирган. Бу жиҳатлар туркий қабилаларнинг тафаккурига, руҳиятига ва урф-одатларига таъсир кўрсатган [4: 77-78].

Қорахонийларнинг кўчманчи туркий қабиладан келиб чиқиши, кўплаб шаҳарларни эгаллаши ҳамда Хитой ва бошқа ислом дунёси ўртасидаги савдотикдаги муҳим мавқеи минтақанинг тоғ тизмаларида бир қанча шаҳарларнинг барпо этилишига олиб келди. Бу баланд тоғли шаҳарлар Қорахонийлар исломлашуви ва географик кенгайиш даврининг дастлабки ўн йилликларида пасттекислик деҳқончилик зоналаридан баландда гуллаб-яшнаган. Ҳудуд бўйлаб шаҳарсозликда сезиларли кенгайиш рўй берди, бу 10-юзйиллик охири ва 11-юзйиллик бошларида бу ерларнинг исломлашуви ва Қорахонийлар назорати остидаги ҳудуднинг кенгайиши билан жуда мос келган. Бу жараён сомонийларнинг йирик шаҳар марказларидан анча узоққа чўзилган ва минтақадаги кўп сонли кўчманчи халқнинг ярим ўтроқлашув жараёнининг бир қисми бўлган [10: 284].

Шаҳарлар аҳолисининг бир қисми чорвачилик билан шуғулланган, бошқа қисми эса металлургия, жумладан, темир, пўлат, мис ва бронза ишлаб чиқариш, қумуш буюмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланган. 10-юзйиллик охиридан 11-юзйилликача савдогарлар ва ҳунармандлар Уструшанадан (Тожикистон, Ўзбекистон) Орол денгизи ва Бухорогача бўлган ҳудудни камраб олган Ипак йўли бўйлаб савдо билан шуғулланган. Бу даврдаги кўчманчи халқлар учун баланд тоғ шаҳарсозлиги унчалик маълум бўлмаса-да, қорахонийлар исломни қабул қилгандан сўнг тоғ марказларини ташкил этиб, уларни савдо, темир ва бошқа металл ишлаб чиқаришни назорат қилиш учун ўзига хос мавқега эга қилиб қўйганликлари ажабланарли эмас. Қорахонийлар даврида кўчманчи аҳолининг кенгроқ иқтисодий тармоқ ва транс-континентал савдо тармоғига интеграциялашуви, шубҳасиз, минтақа бўйлаб уларнинг иқтисодий ва маданий ривожланишини кучайтиришга ёрдам берди [9: 303].

Қорахонийлар давридаги кулолчилик маҳсулотлари туркий халқларнинг бағрикенглиги ва янги ғояларга очиклигини акс эттиради. Улар

Туркистондаги ўтроқ халқларнинг касбий маҳорати ва диний мотивларини ўзлаштирганлар. Кўчманчи халқлар ислом ва ўтроқ маданиятни қабул қилишларига қарамай, туркий-дашт анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Улар ҳатто “туркий омил” ва “туркий унсур”ни ҳунармандчилик ва санъатда ҳам биринчи ўринга олиб чиқдилар. Бу Туркистон шаҳарларида бронза даври идишларига ўхшаб “кулранг кулолчилик” деб номланувчи сирланмаган сопол идишларнинг кенг қўлланилишида яққол кўринади. Зооморф тасвирлар ва тутқичлар билан безатилган идишлар қадимги туркий анъаналар билан боғлиқдир. Шундай қилиб, кўчманчи “дашт” нақшлари ҳунармандлар услубига кирган. Гарчи этник-маданий хусусиятлар ҳунармандчилик асарларида из қолдирган бўлса-да, шаҳар усталари олдинги бадиий идеаллар, дидлар ва меъёрлардан сезиларли ўзгаришларсиз фойдаланишда давом этдилар [11: 88].

### **“Қутадғу билиг” асарида кўра ижтимоий қатламлар**

Қорахонийлар ижтимоий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи манбалар сони жуда озлиги бу сулола даврида аҳоли ижтимоий қатламлари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш борасида қийинчиликлар туғдиради. Шу боис Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари биз суянишимиз мумкин бўлган оз сонли манбалар қаторига киради. Муаллиф ўз асарида ўз даврида мавжуд бўлган ижтимоий қатламлар қуйидагича келтиради:

**1. Қора авом халқ.** Қора авом халқ ахлоқ қоидаларидан узоқ, содда ва тўғриси бўлади. Бошқа тоифадаги одамлар билан муносабатларда тартиб қоида билмаслиги ва одобга риоя қилмаслигига қарамай, улар ҳам жамиятда ўз ўрнига эга ва керакли қатламдир. Юсуф Хос Ҳожиб бу қатлам иқтисодий жиҳатдан ночор қатлам бўлгани боис, ҳаётининг асосий қисмини қорнини тўйдириш ғамида юришини таъкидлайди [5: 647].

**2. Пайғамбар авлодлари (алавийлар).** Қорахонийлар даврига келиб бу қатлам ҳукмдорлар орасида алоҳида эҳтиромга сазовор бўлгани аён бўлмоқда. Юсуф Хос Ҳожиб ҳукмдорлар бу қатлам билан чиройли ва хушмуомала муносабатда бўлишлари кераклигини, пайғамбар авлодлари бўлганлари учун алоҳида ҳурмат ва иззат кўрсатилиши кераклигини уқтиради.

**3. Олимлар.** Олимлар тўғри ва нотўғри нарсаларни бир-биридан айириб, тўғри йўл тутадиган кишилар ҳисобланади. Бу тоифа ўз илми билан оддий халққа машъал бўладиган қатламдир. Шу боис, уларга ҳам пайғамбар авлодлари сингари ҳурмат ва иззат кўрсатиш талаб этилади [6: 356-357].

Қорахонийлар даврида шарқий ҳудудларда яшаб фаолият юритувчи олимларнинг оммавий равишда ғарб томон силжиганларини кўришимиз мумкин. 1040 йилда Иброҳим Тамғачхон томонидан ўз пойтахтининг Самарқандга кўчирилиши муҳим воқеа бўлди. Шу вақтдан бошлаб қорахонийлар сиёсатининг маҳаллий олимларга нисбатан сиёсатининг асосий қирралари намоён бўлади. Унинг хусусиятларидан бири қорахонийлар давлати таркибида Туркистондан узоқроқ бўлган шарқий ҳудудлар илоҳиётшуносларини расмий лавозимларга жалб этиш бўлган. Бу

олимлар қорахонийлар билан келишган ҳолда ҳаракат қилганлар. Масалан, 1122 йилда Бағдоддаги элчилик таркибида келган Абу Али ал-Хусайн ибн Али ибн Абу-л-Қосим ал-Ламишийга (ваф. 1128 й., Самарқанд; асли Фарғонанинг Ламиш қишлоғидан) ҳаж қилиш таклиф қилинганида, хоннинг топшириғини айтиб, уни бажаришдан бош тортган. Қўшин маҳаллий аҳолидан узоқ тутилган. Ҳарбийлар учун алоҳида ҳарбий судялар – қозиаскарлар тайинланган. Самарқандда Абу Ҳафс Умар ибн Шуайб ибн Абу-л-Қосим ас-Саррам ад-Дизакӣй (ваф. 1131) исмли бир қозиаскар фаолият олиб борган [3: 490].

Бу олимлар гуруҳи фаолиятида маҳаллий самарқандлик олимларга нисбатан эҳтиёткорона муносабат сезилади. Масалан, Қози Аҳмад ибн Мансур ал-Испижобӣй вафотидан кейин (ваф. 1088) Самарқанд муфтийларининг хатоларини кўрсатган ва уларга тўғри ечимлар таклиф қилган фатволари сақланган бутун бир сандиқ топилган. Бироқ, марҳум тириклигида уларни оммага ошкор қилишга журъат эта олмаган [2: 201].

Бир масалани муҳокама қилиш кўпинча бир неча кун давом этган ва баъзан ҳатто кенг жамоатчилик резонансига сабаб бўлган. Самарқандда Абу-л-Юср ал-Паздавий даврида спиртли ичимликлар масаласини муҳокама қилиш унинг ечимидан манфаатдор бўлган нуфузли шахслар туфайли сиёсий тус олди. Фақиҳ ҳукмдорнинг шахсан ўзи қўллаб-қувватлаганига қарамай, шаҳарни тарк этишга мажбур бўлган [1: 119а, 151а].

Ас-Саййид Носириддин Абу-л-Қосим Муҳаммад ибн Юсуф ал-Хусайний ас-Самарқандий жамият ҳаётида фаол рол ўйнаган. Қорахитойлар қўл остидаги мусулмонлар ва олимларга катта ҳуқуқлар беришни талаб қилгани учун 1161 йилда Самарқандда қатл этилган [2: 203].

**4. Шифокорлар.** Ҳар қандай тирик одам ўз ҳаётида албатта қандайдир бир касалликка мубтало бўлиши муқарарлиги шифокорларни жамият ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга қатлам даражасига чиқаради. Жамиятнинг барқарорлигини таъминлаш турли дардлар, руҳий касалликларни даволаш орқали амалга ошишини ҳисобга олсак, бундан ташқари Қорахоний ҳукмдор Иброҳим Тамғачхон томонидан Самарқанд шаҳрида қурилган шифохонада шифокорнинг энг кўп ҳақ олувчи киши бўлгани Қорахонийлар даврида шифокорлар алоҳида ҳурматга муносиб қатлам ҳисобланиш сабаби аён бўлади.

**5. Афсунгарлар.** Оккульт илмлари эгалари Қорахонийлар даврида алоҳида қатламни ташкил этганлар. Улардан бири афсунгарлар бўлиб, Юсуф Хос Ҳожибга кўра, улар инсу жинсдан бўлган касалликлардан даволаш билан шуғулланганлар. Бироқ афсунгарлик бурҳоний илм бўлмагани учун шифокорлар уларнинг турли дуоларига ишонмаганлар. Худди шу равишда афсунгарлар ҳам шифокорларни тан олмаганлар [7: 375].

**6. Туш таъбир қилувчилар.** Яна бир алоҳида ижтимоий қатламни ташкил этган бошқа бир оккульт илм эгалари туш таъбир қилувчилар бўлиб,

уларнинг обрўси ва аҳамияти ҳар бир инсоннинг ухлаганда туш кўриши ва бу туш тўғри таъбир қилинган тақдирда рўёбга чиқиши билан боғлиқдир.

**7. Юлдузчилар (астрономлар ва астрологлар).** Йил, ой ва кун ҳисоб-китоби жамият ҳаётида катта ўринга эга бўлиши астрономларни ҳам алоҳида қатлам сифатида ажралиб туришини таъминлади. Эътиборга молик жиҳати шуки, Юсуф Хос Ҳожиб астрологларни ҳам умумий “юлдузчи” номи остида мазкур қатламга киритади. Юлдузларнинг ҳаракати фақатгина тақвим ҳисоб-китоблари билан чекланмай, инсон ҳаётига ҳам ижобий ёки салбий таъсир кучига эгалига ишонилгани боис, астрологлар ҳам катта мавқега эга қатлам сифатида эътироф этилишига олиб келди.

**8. Шоирлар.** Шоирлар Қорахонийлар даврида халқ орасида катта обрў-эътибор ва таъсир кучига эга бўлганлар. Улар мақтаган кишиларнинг мактови халқ орасида ёйилган, ёмонлаган кишиларнинг эса обрўсига путур етган. Халқ орасида бундай катта таъсир кучига эга бўлиш уларни алоҳида ижтимоий қатламга айлантирган.

**9. Дехқонлар.** Ўрта асрларда ҳар қандай давлатдаги моддий фаровонлик ва тўкин-сочинликнинг таъминлаши, шубҳасиз, биринчи навбатда деҳқонларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган. Барча даврларда ва барча давлатларда бўлгани сингари, қорахонийлар даврида ҳам деҳқонлар алоҳида ижтимоий қатламни намоён этганлар [8: 330-331].

**10. Савдогарлар.** Савдогарлар фақат турли мамлакатлар билан савдо алоқаларини юритадиган инсонларгина бўлиб қолмай, шу билан бирга дунёда бўлаётган турли янгиликларни ҳам тарқатадиган тоифа ҳисобланган.

**11. Чорвадорлар.** Қорахонийлар асосан чорвачилик билан шуғулланувчи кўчманчи қарлуқлар қабиласидан келиб чиққанлар. Чорвачилик кейинги даврларда ҳам кўчманчи қабилалар ҳаётида муҳим ўрин тутишда давом этган. Шу боис, чорвадорлар ҳам алоҳида ижтимоий қатламни намоён этганлар [5: 663-666].

**12. Хунармандлар.** Юқорида номлари санаб ўтилган 11 та қатламнинг барчасининг фаолияти, шубҳасиз, хунармандар билан боғлиқдир. Айнан хунармандлар мазкур қатламлар вакиллариининг меҳнат қуроллариини ишлаб чиқарадиган тоифа саналган.

**13. Камбағаллар.** Камбағал қатламининг қора авом халқ тоифасидан фарқи, катта эҳтимол билан, уларнинг қора халқдан фарқли равишда нисбатан маданиятли ва фақат қорин дарди билан яшамайдиган қатлам эканлигидир [6: 367].

### Хулоса

Юқоридаги сўзлардан маълум бўладики, вазир жамиятга нисбатан, ҳозирги ифода билан айтганда, Радклифф-Браун типдаги структуравий-функционал қарашга эга. Унга кўра, жамиятнинг ижтимоий тузилиши турли гуруҳлар ёки синфлардан ташкил топган, уларнинг мазкур жамиятдаги ўрни, асосан, муайян касбий роллар билан белгиланади. Ҳар бир синф ёки таркибий компонентнинг вазифаси – унинг умумий ижтимоий тизимнинг

уйғунлиги ва сақланишига қўшадиган ҳиссасидир. Барча қатламлар, ҳатто қора авом халқ ҳам, ижтимоий тузум учун зарур унсур ҳисобланади ва ижтимоий интеграция ҳар бирининг ўзига хос, аммо бир-бирини тўлдирувчи хусусияти ва функциясига асосланади. Юқорида номлари санаб ўтилган 13 та қатламнинг ҳар бири билан симбиотик функционал муносабатлар тўплами билан самарали боғланган тизимнинг марказида жойлашган ҳукмдор саройи ижтимоий тузумнинг энг устун институти саналади. Турли ижтимоий қатламлар озиқ-овқат, кийим-кечак, интеллектуал маърифат, маънавий қулайлик ва ҳоказоларни таъминласа, ҳукмдор саройи бутун жамиятнинг функцияларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, уни ташқи тажовуздан ҳимоя қилиш орқали ички ва ташқи хавфсизликни таъминлайди. Ички назорат билимга асосланади. Сарой аъзолари ҳар бир ижтимоий табақанинг ўзига хос табиати ва функцияларини тўлиқ тушунишлари ва ҳар бирига ушбу билимлар асосида муносабатда бўлишлари керак.

Ҳар бир қатлам жамият фаровонлиги учун муайян функцияларни бажариш билан бир қаторда, ҳукмрон институт тан олиши керак бўлган маълум ҳуқуқлар ва талаблар тўпламидан фойдаланади. Ҳукмдор саройининг асосий вазифаларидан бири – ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва бу талабларни амалга оширишдир. Улар орасида: адолатли ва ҳалол муомала қилиш ҳуқуқи; бажарилган иш учун яхши ва тез ҳақ олиш ҳуқуқи; инсоний муносабатда бўлиш ҳуқуқи; ўз қатламига мос келадиган муносабатда бўлиш ҳуқуқи; ва энг муҳими, моддий жиҳатдан ночор аҳволга тушмаслик ва ҳаётнинг барча асосий эҳтиёжларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи. Айнан шу охириги ҳуқуқ давлат ичидаги тинчлик ва хавфсизлик учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳукмдор бу ҳуқуқларни эътироф этиш ва таъминлаш орқали ўз номини ҳам бутун минтақага ёйган халқнинг ҳурмати ва садоқатини қозонади. Муваффақиятли бошқарув кўплаб мураккаб ижтимоий муносабатлар тўпламини ўрнатиш ва сақлашни талаб қилади. Бу муомала қилинадиган одамларнинг табиатини яхши тушунишни талаб қилади. Бундай тушуниш фақат билим билан амалга ошади [12: 232-238].

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кафавий, Маҳмуд ибн Сулаймон Катаиб аълам ал-ахйор мин фуқаҳо ан-Нўъмон ал-мухтор. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. № 2929.
2. Муминов А.К. Ханафитский мазҳаб в Центральной Азии / Редактор: С.М. Прозоров. Алматы: Қазақ энциклопедиясы. 2015.
3. Насафий, Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд / Нашрга тайёрловчи: Юсуф ал-Ҳодий. Техрон: Ойина-и мерос. 1420/1999.
4. Саидов М.М. Жилища Самарканда в эпоху Караханидов // Наука и мир. Международный научный журнал, № 12. Вып. 52. 2017.

4. Ходжаев А., Д. Турдиева Д. Қорахонийлар хоқонлиги тарихи Хитой Халқ Республикаси олимлари тадқиқотларида. Тошкент: Фан зиёси. 2021.
5. Хос Ҳожиб, Юсуф. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим) / Нашрга тайёрловчи: Қайом Каримов. Тошкент: Фан. 1971.
6. Хос Ҳожиб, Юсуф. Қутадғу билиг (Саодатга элтгучи билим). Тошкент: Akademnashr. 2015.
7. Хос Ҳожиб, Юсуф. Қутадғу билиг (Билим саодати) / Табдил: Абдуҳамид Пардаев. Масъул муҳаррир: Манзар Абдулхайр. Тошкент: Янги аср авлоди. 2020.
8. Has Naci, Yusuf. Kutadgu Bilig / Çev.: Ayşegül Çakan. İstanbul: Türkiye İş Bankası Kültür Yayınları. 2018.
9. Maksudov F., Bullion E. et al. Nomadic Urbanism at Tashbulak: A New Highland Town of the Karakhanids // Urban Cultures of Central Asia from the Bronze Age to the Karakhanids: Learnings and Conclusions from New Archaeological Investigations and Discoveries. Proceedings of the First International Congress on Central Asian Archaeology held at the University of Bern, 4–6 February 2016 / Edited by Ch. Baumer, M. Novak. Harrasowitz Verlag. 2019.
10. McClary, Richard. Medieval Monuments of Central Asia. Qarakhanid Architecture of the 11<sup>th</sup> and 12<sup>th</sup> Centuries. Edinburgh University Press. 2020.
11. Toshova Sh. Features of the Karakhanid Craftsmanship // Turkic Studies Journal. Vol. 1. 2024.
12. Zekiye Eglar, Paul J. Magnarella. A View of Social Classes in the Eleventh Century Karakhanid State // Anthropos. Bd. 66. H. 1/2. 1971. P. 232-238.

## “QUTADG‘U BILIG” VA DEVONU LUG‘OTIT TURK” ASARLARIDAGI TIBBIYOTGA DOIR QARASHLAR



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15667676>

**Mushtariy XOLMURADOVA**

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti,  
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori ( PhD), dotsent v.b.

[mushtariy.xolmuradova@mail.ru](mailto:mushtariy.xolmuradova@mail.ru)

ORCID ID: 0000-0001-5039-1909

**Annotatsiya.** Maqolada “Qutadg‘u bilig” va “Devonu lug‘otit turk”dagi tibbiy terminlar tahlil qilingan. Tibbiyotga doir tushunchalarni ifodalovchi leksik birliklar inson organizmi, sihati, mijozi, ovqatlanish me‘yori haqidagi qarashlari asosida izohlangan. Asardagi tibbiy terminlar, tibbiyotga doir mulohazalarning hozirgi kunga munosabati, ahamiyati yoritilgan.

**Kalit so‘zlar:** issiqlik, sovuqlik, emchi (tabib), urag‘un (achchiq dori), tarangbin (yaproqda paydo bo‘ladigan shira, surgi dori sifatida foydalaniladi), temperament.

**Abstract.** The article analyzes medical terms in “Kutadgu bilig” and “Devonu lugotit turk”. Lexical units expressing medical concepts are interpreted based on their views on the human body, health, client and nutritional standards. The relevance and significance of medical terms and medical considerations in the work to the present day are highlighted.

**Key words:** heat, cold, doctor, uragun, tarangbin, temperament.

Mumtoz manbalarning yorqin namunasi bo‘lgan “Qutadg‘u bilig” hamda “Devonu lug‘otit turk” asari turkiy til imkoniyatlari yoritilgan manbalar bo‘lishi bilan birga, turli sohaga oid ma‘lumotlar jamlangan qomus hamdir. Asarlarda yigirmadan ortiq sohaga oid fikr-mulohazalar bayon etilgan. Jumladan, tibbiyotga doir terminlar, tabobatga oid tushunchalarni aks ettiruvchi leksik birliklar qayd etilgan.

Taniqli tilshunos olim Herman Vamberi turkiy xalqlar haqida quyidagicha fikr bildirgan: “Turkiylar o‘zlarining bilimdonliklari bilan butun dunyoni larzaga solgan. Shunisi isbot talab etmaydigan haqiqatki va ayni paytda hayratlanarliki, bizning Yevropada ibtidoiy hayot hukm surgan bir paytda ularda madaniyat, san‘at, tibbiyot ravnaq topgan.

Xinjiang tibbiyot universiteti (Xinjiang Medical Universty) olimlari “The origins of Uyghur medicine: Diabetes and perspectives” (Uyg‘ur tibbiyotining kelib chiqishi: munozaralar va istiqbollari) mavzusida maqola e‘lon qildilar. Maqolada uyg‘ur tibbiyotining kelib chiqish ko‘p asrlik tarixga borib taqalishi, uning shakllanishida “Devonu lug‘otit turk” va “Qutadg‘u bilig” asarlarining o‘rni haqida muhim fikrlar bayon etilgan.

Asarlar matnida tibbiyot bilan mashgʻul shaxs otlari oʻz aksini topgan. Masalan, **otači “tabib, davolovchi”** maʼnosini bildirgan. Asarda tabiblarga nisbatan **emči** termini ham qoʻllangan. Ot soʻzi em bilan birgalikda qoʻllanib, “giyoh, dorivor oʻsimlik” tushunchalarini bildirgan [4, 373-b.]. Mahmud Koshgʻariyda ot soʻzining 1) “oʻt, oʻsimlik”; 2) “hayvonlar yeydigan har turli oʻt, xashak”; 3) “dori, davo”; 4) “ogʻu, zahar” maʼnolari qayd etilgan [3, 71-b.]. Bundan tashqari, “tabib” maʼnosidagi atasağun soʻzi ham keng isteʼmolda boʻlgan. Buning maʼnosi “sogʻlik beruvchi, sogʻlik ato qiluvchi”dir. [3, 114-b.]

“Qutadgʻu bilig”da dorishunos, dorivor giyohlardan dori tayyorlovchi **idišči** shaxs oti bilan anglashilgan. Dorivor giyohlar olovda qaynatilib maxsus koʻzchalarga solingan:



Asarda turli dori nomlari va ularning qanday kasalliklarga qarshi qoʻllanilishi haqida maʼlumotlar berilgan. Unda qoʻllangan dori nomlari farmasevtika rivoji, dori turlari, davolash usullari borasida maʼlumot beradi.

Yusuf Xos Hojib, qadimgi Gretsiya va Oʻrta Osiyoning mashhur olimlari kabi olamni toʻrt unsurdan – oʻt, suv, havo va tuproq yoki issiq, sovuq, hoʻl va quruqdan iborat, degan falsafiy qarashni ilgari suradi. U insonning sihati, yoshi, ovqatlanishi va jismoniy tarbiyasi haqida ham qimmatli mulohazalar bildiradi. Kishi yoshiga qarab harakat qilmogʻi, ovqat turlarini tanlamogʻi, oʻz organizmini suv, jismoniy tarbiya bilan chiniqtirib bormogʻi lozimligini, bu bilan kasalliklarning oldini olishi mumkinligini, bemor oʻz kasalini dori bilangina emas, balki parhez tutish bilan ham davolashga intilishi kerakligini taʼkidlaydi.

Asarda qoʻllangan tadu soʻzi “mijoz” tushunchasini ifoda etadi. Yusuf Xos Hojib inson mijozining juda katta ahamiyatga ega ekanligi, har bir kishi oʻz mijoziga qarab ovqatlanishi lozimligini taʼkidlaydi. Uning fikricha, kishi oʻz mijozini qandayligini aniq bilishi kerak:

*Tadu bilgü aşnu yaraşıq yesä*

*Taduqa yaraşmasni qodğu usa.* “Avval mijozni bilish shart, (soʻng) shunga yarasha (ovqat) yesa boʻladi, Mijozga toʻgʻri kelmaydigan (ovqat)ni qoʻyish kerak, oʻyla”

Muallif qirq yil yashab oʻz mijozini bilmagan insonni hayvonga qiyos qiladi. Isig va soғiq soʻzlari inson mijozini bogʻliq boʻlgan “issiqlik” va “sovuqlik” tushunchalarini ifoda etadi. Muallif inson “issiqlik” va “sovuqlik” tushunchalarining mohiyatini bilishi kerakligi, issiqligi oshganda sovuqlikni oshiradigan, va aksincha, sovuqlik oshganda issiqlikni koʻtaradigan taomlarni tanovvul qilishi lozimligini aytgan.

Yusuf Xos Hojib quruq sovuqlik (quruq issiqlik) yoki ho‘l sovuqlik (ho‘l issiqlik) kabi turlarga ajratadi. Inson o‘z mijozi qandayligini aniq bilmagan taqdirda issiqlik yoki sovuqlik o‘rtasidagi bir me'yorga amal qilishi lozimligini aytadi.

Inson umrining bahorida, ya'ni yigitlik davrida sovuqlik iste'mol qilishi, natijada qonning me'yoriyligiga erishishi mumkinligi qayd etilgan:

Yigit ersa yaşın yaz ersä yılın

Soğıq işgä tutgıl isitür qanıñ . “Yigit yoshida bo‘lsang, fasl(ing) bahor bo‘lsa, Sovuqlik (narsalarni) iste'mol qilgin, qoningni ravon qiladi” .

Mumtoz adabiyotda qish va bahor ramziy ma'noda inson umrini ifoda etib kelgan. Asarda insonning yigitlik yoshi yoz fasliga qiyos qilinadi. Ma'lumki, XI-XII asr manbalarida, xususan, “Qutadg‘u bilig”da ham yoz, asosan, “bahor” ma'nosida qo'llangan. Inson umrining bahorida, ya'ni yigitlik davrida sovuqlik iste'mol qilishi, natijada qonning me'yoriyligiga erishishi mumkinligi qayd etilgan

Kishi yoshi oltmishdan oshgan bo‘lsa, uning davri qish mavsumiga qiyos qilinadi. Yosh oltmishga borib, umrning qish fasli yaqinlashganda, issiq taomlar iste'mol qilish kerakligi aytilgan.

Asarda mijozning inson yoshiga bog‘liqligi, bu ikki jihatning tush ko‘rishga ham ta'siri borligi aytilgan. Yil fasli bahor bo‘lsa, ya'ni odam yosh bo‘lsa, tushida barcha narsani qizil ko‘rsa, yerni kulrang ko‘rsa, uning qoni oshgan bo‘ladi. U kishi tegishli miqdorda qon oldirishi kerak. Yil fasli yoz bo‘lsa, ya'ni tush ko‘ruvchi yigit bo‘lsa, tushida sariq, ol yo za'faron, arg‘uvon (ranglar) ko‘rsa, safrosi kuchaygan bo‘ladi. Yil fasli kuz bo‘lsa, ya'ni odam o‘rta yosh bo‘lsa, tushida qora narsa ko‘rsa, tog‘ yo quduq, kavak ko‘rsa savdosi kuchaygan bo‘ladi. Dori ichib miyasini tozalashi kerak bo‘ladi. Agar yil fasli qish bo‘lsa, ya'ni tush ko‘ruvchi kishi qari bo‘lsa, oqar suv yoki muz, qor, jala tushiga kirs, uning balg‘ami kuchaygan bo‘ladi. Bunday kishiga issiqlik yedirish va dori-darmon yetkazish kerak.

Bugungi kunda zamonaviy tabobatda ovqatni sovuq holda tanovvul qilish, issiq holatda yemaslik, taomni mayda chaynab yeyish salomatlik omillaridan biri sifatida qaralmoqda. Bu fikr XI asrdayoq Yusuf Xos Hojib tomonidan o‘rtaga tashlangan:

*Negü alsa tişla uşaq tançula*

*Işig aşnı urmä sen çağsın bilä.* “Nima olsang tishla, maydalab chayna, Sen issiq oshni og‘zing bilan puflama”.

“Devonu lug‘otit turk” va “Qutadg‘u bilig” asarlarida bir qancha kasallik va dori nomlari ham keltirilgan. Masalan, qorinda sariq suv yig‘ilish kasalligi atg‘aq deyilgan. Sariq rangdagi bir turli o‘simlik ham shunday ataladi. Qayg‘udan rangi sarg‘aygan kishilarga nisbatan ham atg‘aq deyiladi. [3, 141-b]. Bars. Bars so‘zi aslida zoonim sifatida “yo‘lbars” ma'nosini anglatadi. Lekin “Devonda shunday kasallik turi ham bars deb ataladi. Chivin, pashsha chaqishidan yoki eshak yem boshlanishida terida paydo bo‘ladigan paysa, shish shunday nomlanadi: *aniñ eti bars boldi* –uning eti paysa bo‘ldi, shishdi.

Bundan tashqari “Devonu lug‘otit turk”da turli xil toshlar bilan davolash usullari ham berilgan. Qoʻsh toshi-davolovchi tosh. Turklarda shunday hikmatli soʻz keltirilgan: *kimiñ bilä qaş bolsa, yaşin yaqmas*- qoʻsh toshi kimda boʻlsa, unga chaqmoq zarar bermaydi. Chunki u toshning tabiati shunday. Hattoki u toshni boʻzga oʻrab oʻtga tashlansa, boʻz ham, tosh ham kuymaydi. Bu sinalgandir. Tashna odam ogʻziga qoʻysa, tashnalikdan kutuladi. U bir oq, tiniq toshdir, odamlar uni uzukka koʻz qilib tikadilar [3, 28-b.]. Urumday-Zaharning zararini yoʻqotish uchun ishlatiladigan tosh [3, 174-b.].

“Qutadgʻu bilig”da Urağun – achchiq taʼmga ega boʻlgan dori, zahar deyilgan:  
*Bedük bir biçäkig yelikdä tutar*

*Solindın urağun oñındın şäkär* [8, 772]. “Qoʻlida ulkan bir pichoq tutgan, Soʻl tomonida – uragʻun (bir xil dori), oʻngida esa shakar (sharbat)”

“Qadimgi turkiy til” lugʻatida urağun “название одного из индийских лекарств, горький напиток” tarzida izohlangan [4, 614-b.]. R. Arat bu dorini “Hindistandan gelen bir ilâç” deb izohlaydi. “Devoni lugʻotit turk”da urağun-kasallarga qoʻllaniladigan hindcha bir dori [3, 156-b.].

Şalisa, taryaq soʻzlari ham bemorni davolash uchun beriladigan dori tushunchasini ifodalagan. Shaliso yunoncha soʻz boʻlib, arabcha maʼnosi “tangrining sovgʻasi” deganidir. Bu oʻsimlik koʻplab dardlarga shifo boʻlganidan shunday nomlangan.

Yusuf Xos Hojib insondagi barcha dard tomoqdan kiradi, shuning uchun ham tomoqni, yaʼni nafsni ehtiyot qilish kerak, deydi. Shuning uchun ham kishi ovqatni meʼyorida yeyish kerakligini taʼkidlagan. Dardu kasallikdan qochadigan, sihat-salomatlik istagan inson “oz” deb atalgan dorini isteʼmol qilishi, farogʻat yoki osoyishtalik tilasa, “til” deb atalgan goʻshtni yeyishi kerakligi tabobat borasidagi muhim maʼlumotlardan biri sanaladi. “Devonu lugʻotit turk”da esa inson organizmiga shifo sifatida ibruk, sarmachuq kabi taom nomlari keltirilgan. Qatiq bilan sutning aralashtirilib tayyorlangan *ibruk* degan taom ichi qotgan odamga surgu dori sifatida beriladi. Xamirni noʻxatday maydalab, kesib tayyorlanadigan ugra oshining bir turi *sarmachuq* deyiladi. Buni kasal va kasalga oʻxshashlar ichishadi. Koʻpincha davo ovqat sifatida qoʻllaniladi [3, 480-b.].

Xulosa qilib aytganda, “Qutadgʻu bilig” va “Devonu lugʻotit turk” asarlaridagi tibbiy terminlar Oʻrta Osiyodagi tabobat rivoji, dori koʻrinishlari, davo turlari haqida maʼlumot beradi. Bu asarlarni nafaqat tilshunoslik yoki adabiyotshunoslik sohasiga oid, balki tibbiyotga oid qimmatli fikrlar jamlangan noyob qomusiy asar sifatida oʻrganishi lozim.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdurahmonov Gʻ. Toʻxliyev B., Rustamov A., Dadaboyev H. Qutadgʻu bilig. I,II,III,IV,V jildlar. -Toshkent: Jahon print, 2011.
2. Абу Али ибн Сино.Тиб қонунлари .V китоб, 1993.
3. Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк (нашрга тайёрловчи С.Муталлибов). -Тошкент ,1963.

4. ДТС - Древнетюркский словарь.-Л. :Наука,1969.
5. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи.-Тошкент:Ўқитувчи,1976.
6. Resid Rahmeti Arat. Kutadgu bilig (index). -Istanbul, 1979.
7. То'хлиев В. О'zbek adabiyoti..-Toshkent: О'qituvchi , 2000.В.134.
8. Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг”. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф қилувчи Қ.Каримов.-Тошкент: Фан,1972.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-V жилдлар. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008.